# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 28 июль, № 157 (7937) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!




## АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК ЭЗГУЛИКЛАР



*Жонажон Ўзбекистонимизнинг ҳар бир ҳудуди қатори, азал-азалдан маданият ва маърифат бешиги саналган — қадимий Бухоро учун ҳам истиқлолнинг қадами хуш келди. Илму ҳунар равнақ топди, инфратузилма ривожланди. Қадриятларимиз кўз очди, зиёратгоҳлар обод этилди. Буюк аждодларимиз меросидан баҳраманд яшаяпмиз.*

### ХАЛҚ ДЕЙДИКИ...

*Умуман, Бухоро ўзлигига қайтди. Кўҳна кентга замонавий шаҳар қиёфасини берган янги мавзелар, иншоотлар, хиёбону боғлар, воҳанинг "ташриф қоғози"га айланиши кутилаётган "Bukhara City", йирик ишлаб чиқариш мажмуалари, обод маҳаллалару қишлоқларни айтмайсизми?!*

*Буларнинг барчаси, шубҳасиз, одамларнинг ўз ҳаёти, тақдиридан рози бўлиб яшаши йўлида амалга оширилаётган хайрли юмушлардир.*

*Юртдошларимизнинг дил сўзлари ҳам фикримизни тасдиқлайди.*

4-саҳифага қаранг.



**Сенат ялпи мажлиси олдидан**

## ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР – МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА

*Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлиси шу йил 30 июль куни бўлиб ўтади. Унда мамлакатимизнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутиши кутилаётган бир қатор масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган. Айни чоғда ушбу масалалар парламент юқори палатаси қўмиталари томонидан дастлабки тарзда муҳокама қилинмоқда.*

### Айрим вазифалар ижроси нега кечикмоқда?

Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси йиғилишида, жумладан, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, Давлат дастури 273 та банддан иборат бўлиб, унинг ижроси доирасида умумий қиймати 29,5 триллион сўм, 2,6 миллиард АҚШ доллари ва 57,5 миллион еврога тенг лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилган. Шу билан бирга, 2021 йилнинг биринчи ярмида Давлат дастурининг 116 та банди ижросини таъминлаш белгиланган бўлиб, 89 та банддаги топшириқлар бажарилган.

Коронавирус пандемиясининг таъсирини юмшатиш борасида ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида 2021 йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 106,2 фоизни, шундан, саноатда 108,5, хизматлар соҳасида — 108, қишлоқ хўжалигида 101,8 фоизни ташкил қилган.

Муҳокамаларда Давлат дастуридаги ижроси кечиктириб бажарилган ва тўлиқ бажарилмаган вазифалар танқидий кўриб чиқилди. Шулар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар вакилларининг бу борадаги фикр-мулоҳазалари эшитилди.

Тадбирда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизимини жорий қилиш тўғрисидаги масала ҳам кўрилди.

Қайд этилганидек, 2021 йил 13 июлдаги "Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармонида айнан шу рейтинг тизимини ҳаётга татбиқ қилиш белгиланди. Шу муносабат билан Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳудудларда амалга оширилиши бўйича рейтинг тизимини жорий этиш тўғрисидаги Сенат қарори, Низом ва рейтинг баҳолаш тартиби лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Сенат ҳузурида рейтинг баҳолаш бўйича тузилган Республика комиссияси томонидан ёшларга оид давлат сиёсатининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бажарилиш ҳолати махсус индикаторлар асосида баҳоланади.

2

**«Сайлов — 2021»**

*2021 йилнинг 24 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Шу муносабат билан "Ижтимоий фикр" республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан навбатдаги сўров ўтказилди.*

## ХАБАРДОРЛИК ЮҚОРИ ЭКАНЛИГИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Ундан аҳолининг сайлов кампаниясидаги хатти-ҳаракатлари, жумладан, фуқароларнинг электорал маданияти, овоз беришда иштироки билан боғлиқ масалалар ўрин олди.

Сўровда мамлакатимиз аҳолиси, турли миллат вакиллари, ёшлар қатнашди. Сўров натижаларига кўра, ушбу муҳим сиёсий жараён тўғрисида аҳоли хабардорлиги юқори эканлиги маълум бўлди. Хусусан, аксарият ўзбекистонликлар (1-босқич — 87,7 фоиз, 2-босқич — 89,3 фоиз) шу йил октябрда бўлиб ўтадиган сайловдан хабардор.

Телефон сўрови жараёнида иштирокчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига номзодлар кўрсатиш жараёни ҳақида қанчалик хабардорлиги аниқланди. "Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига мувофиқ ким мамлакат Президенти лавозимига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга?" деган саволга 51,1 фоиз фуқаролар "биламан", деб жавоб берди. 48,9 фоиз респондентлар Президент лавозимига номзодлар кўрсатиш тартиби ҳақида маълумотга эга эмас.

Сўров жараёнида фуқароларнинг Ўзбекистонда Президентлик ваколатлари муддатлари ҳақидаги хабардорлиги ҳам аниқлаштирилди. Унга кўра, 86,4 фоиз фуқаролар Сайлов кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти қайси муддатга сайланишидан хабардор.

Шунингдек, сўров давомида фуқаролар сайловолди кампаниясига тайёргарликни кузатиб бораётганини билдирган. Хусусан, улардан 20,3 фоизи бўлиб ўтадиган Президент сайловига тайёргарлик бўйича тадбирларни мунтазам кузатиб боришяпти. 39,5 фоиз респондентлар объектив сабаблар туфайли мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги воқеаларни номунтазам, имкониятга қараб кузатиб боришини маълум қилган.

Шу билан бирга, 68,9 фоиз фуқаролар телевидениени муҳим сиёсий жараёнга ҳозирлик кўрилаётганини халққа етказишнинг асосий ахборот манбаи, деб ҳисоблайди.

Тадқиқот натижалари кўрсатишича, бўлиб ўтадиган Президент сайлови мамлакат фуқароларининг ҳаётида устувор аҳамиятга эгадир. Жумладан, 82,3 фоиз иштирокчи овоз беришда қатнашиш зарур, деб билади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, фуқароларнинг башорат қилинаётган электорал фаоллигини етарлича юқори, деб баҳолаш мумкин. Сўралган ўзбекистонликларнинг мутлақ кўпчилиги (86,6 фоиз), ўз тасдиқларига кўра, бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида, албатта, иштирок этади.

**«Ижтимоий фикр» республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**

## ДЕПУТАТЛАР ҲУКУМАТНИНГ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН БЕРГАН ҲИСОБОТИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАДИ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қарор топган янги институт — Бош вазир Ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чоракда Қонунчилик палатасига тегишли йилга мўлжалланган Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан парламент олдида ҳисобот бериш амалиёти тобора такомиллашиб бормоқда.*

**Парламент назорати**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2021 йил биринчи ярим йилликда бажарилиши юзасидан ҳисоботи кенг муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги ушбу масала дастлаб сиёсий партияларнинг парламентдаги барча фракциялари йиғилишларида атрофлича муҳокамалардан ўтди. Ҳар бир фракция йиғилишида Ҳукумат аъзолари депутатлар кўтарган саволларга аниқ жавоблар берди. Ўз навбатида, фракциялар ҳисобот юзасидан ўз позицияларини белгилаб олди.

Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида таъкидланганидек, мамлакатимизда коронавирус пандемияси даврида иқтисодий барқарорликни таъминлаш, инвестициявий фаолликни рағбатлантириш, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтириш, солиқ юкини камайтириш, аҳоли бандлигини ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Натижада шу йилнинг биринчи ярим йиллигида Давлат дастуридаги бажарилиши белгиланган 116 та банддан 89 таси тўлиқ бажарилди. 2 тасининг бажариш муддати узайтирилган бўлса, 25 тасининг ижросини тўлиқ таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шунингдек, ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 106,2 фоизни, шундан саноат — 108,5, хизматлар — 108,0, қишлоқ хўжалиги 101,8 фоизни ташкил қилди.

Давлат маблағлари ҳисобидан ишсиз фуқаролар, камбағал оила аъзоларига уларнинг бандлигини таъминлаш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун моддий ёрдам ва субсидиялар бериш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳукуматнинг тегишли қарори билан илк бор республиканинг 28 та туман (шаҳар)ида ижтимоий шартнома тузиш амалиёти тажрибасинов тариқасида жорий этилиб, ўтган давр мобайнида 4 минг 928 та шундай шартнома тузилди.

Тиббий хизмат сифатини яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, уларнинг 211 та ҳудудий филиали, йўналиш бўйича илмий-услубий ёрдам кўрсатувчи бўлим ва диспансерларда телетиббиёт алоқаси ўрнатилди. 52 та оилавий шифокор пункти, 19 та оилавий поликлиника ташкил этилди.

Муҳокамалар жараёнида депутатлар ҳисобот даврида қилинган ишларни эътироф этган ҳолда, Давлат дастурининг айрим бандлари ижроси бажарилиши кечикаётгани, белгиланган вазифалар ҳозирга қадар таъминланмаганига алоҳида эътибор қаратди.

2

## ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

### ЙИРИК МИНТАҚА АҲОЛИСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

*Яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзуидаги халқаро конференция ўз мазмун-моҳияти ва кўлами жиҳатидан бетакрор бўлди, десак, айни ҳақиқат.*

**Мушоҳада**

Зеро, унинг доирасида уюштирилган тадбирлар, учрашув ва мулоқотларда юртимизнинг қўшни мамлакатлар билан тинчлик ва дўстлик, ишонч ва яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё давлатларининг умумий манфаатларига доир ташаббуслари ва бошқа муҳим соҳалардаги ҳаракатлари дунё миқёсида кенг эътироф этилмоқда.

Анжуманга Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари вакиллари таклиф этилган бўлиб, асосан, минтақага доир иқтисодий, гуманитар ва хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳокамалар марказида бўлди. Мазкур конференция нафақат Афғонистон Ислом Республикаси, балки минтақадаги барча давлатлар иқтисодиёти учун ҳам муҳим аҳамият касб этиши, шубҳасиз.

Президентимиз ўз нутқида Афғонистон Ислом Республикаси мавзусига тўхталаркан, бу мамлакат Марказий ва Жанубий Осиё минтақавий боғлиқлигини таъминлашнинг муҳим бўғинларидан бири эканини алоҳида таъкидлади. Зеро, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишдан нафақат икки юрт аҳолиси, балки Марказий ва Жанубий Осиё минтақалари давлатларидаги 2 миллиардга яқин инсонлар ҳам бирдек манфаатдор. Ўзбекистон раҳбари мазкур мақсадларни амалга ошириш билан боғлиқ бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди.

2

## АҚШдан коронавирусга қарши 3 миллион доза вакцина келтирилади

*Мамлакатимиз элчихонаси маълумотига кўра, АҚШ беғараз кўмак тариқасида "Moderna" компаниясининг коронавирусга қарши қўлланиладиган 3 миллион доза вакцинасини ажратди.*

*Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг "COVAX" дастури доирасида ажратиладиган вакциналар 29 июлдан 30 июлга ўтар кечаси махсус авиарейс воситасида АҚШнинг Алабама штатидан Ўзбекистонга олиб келинади.*

АҚШ Касалликлар назорати ва уларнинг олдини олиш бўйича маркази (CDC) маълумотномаларида қайд этилишича, "Moderna" компаниясининг вакцинаси 94 фоиздан зиёд самарадорликка эга бўлгани ҳолда COVID-19 вируси юқишини бартараф этади. АҚШ Озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар сифатини назорат қилиш бўйича бошқармаси (FDA) COVID-19 профилактикаси учун "Moderna" вакцинасини 18 ва ундан катта ёшдагиларда қўлланилишига рухсат берган. Мазкур вакцина тери остига юборилади, эмлаш бир ойлик интервал билан икки дозадан иборат.

"Pfizer" ва "BionTECH" фармацевтика компаниялари препаратларидан фарқли ўлароқ, "Moderna" таклиф этаётган вакцинани ўртача совуқликдаги ҳароратда сақлаш мумкин, бу эса Ўзбекистоннинг барча ҳудуди бўйлаб тарқатилишини енгиллаштиради.

АҚШ Касалликлар назорати ва уларнинг олдини олиш бўйича маркази тадқиқотларидан маълум бўлишича, Америкада 93 фоиз касаллик юқиш ҳоллари эмлаш даражаси 40 фоиздан кам бўлган округларга тегишли бўлиб қолаётир. Қайд этилишича, коронавирус юқиши боис шифохонага жойлаштирилган ва ҳаётдан кўз юмганларнинг 99 фоизи эмланмаган аҳоли ҳиссасига тўғри келмоқда. Оқ уй раҳбари ўз чиқишида қайд этганидек, "миллионлаб АҚШ фуқаролари ҳамон эмланмаган, шу боис улар касаллик хавфи остида турибди".

Эслатиб ўтамиз, Президент Шавкат Мирзиёев 23 июль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида "Биз катта қийинчиликлар билан вакцина олиб келяпмиз" деб таъкидлагани ҳолда, аҳолини фаоллик билан эмланишга даъват этди.

**«Дунё» АА.**
Вашингтон

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР – МУҲОКАМАЛАР МАРКАЗИДА

1

Туман ва шаҳарлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан индикаторлар асосида рейтинг баҳоланади. Индикаторларни ҳисоблашда ҳудудлар томонидан тақдим этилган расмий статистик ва таҳлилий маълумотлардан фойдаланилади. Ҳудудларни рейтинг баҳолаш бўйича ишчи орган этиб Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги белгиланмоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсатини ҳудудларда амалга ошириш ҳолати индикаторлар миқдорига қараб, нолдан юз баллгача рейтингда баҳоланади ва шу тартибда энг юқори балл тўплаган ҳудуд аниқланади.

### Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар борасидаги қонунчилик такомиллаштирилади

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг йиғилишида дастлаб “Интеллектуал мулк объектларининг ҳуқуқий муҳофазаси янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокама марказида бўлди.

Мазкур қонун интеллектуал мулк объектларига талабнома топширувчилар талабларини тўлақонли инобатга олиш, жаҳон тажрибасини муваффақиятли татбиқ этиш, соҳа бўйича халқаро рейтинглардаги ўрнини мустаҳкамлаш, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар соҳасидаги халқаро ҳужжатлар талабини бажаришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун билан Фуқаролик кодекси, “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги, “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Тадбирда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2021 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳисоботи ҳам кўриб чиқилди.

Шунингдек, йиғилишда “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги ҳамда “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунларнинг ижро этилиши ҳолати, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ва қонуности ҳужжатларининг қабул қилиниши юзасидан амалга оширилган мониторинг натижалари таҳлил этилди.

### Маблағларни ўзлаштириш жараёнини жадаллаштириш зарур

Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси йиғилишида Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2021 йил биринчи ярмидаги ижроси бўйича Ҳукумат ҳисоботи муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларида белгиланган вазифаларни молиялаштириш учун республика бюджети, маҳаллий бюджет ва бошқа манбалар ҳисобидан маблағлар ажратилиши белгиланган.

Маълумотларга кўра жорий йилнинг биринчи ярмида дастурдаги чора-тадбирларни молиялаштириш учун республика бюджетидан атиги 20 ҳамда 30 фоиз маҳаллий бюджетлардан маблағ ажратилган. Президент қарорида барча тадбирларни шу йилнинг 1 октябригача бажариш вазифаси берилгани эътиборга олинса, 2-3 ой давомида қолган маблағларни ўзлаштириш жараёнини жадаллаштириш зарурати пайдо бўлаётгани қайд этилди.

Шунингдек, юртимизда ёшларни қишлоқ хўжалигида иш билан банд қилиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш мақсадида жами 233,6 минг гектар майдон ажратилиши назарда тутилгани ҳолда, ҳозиргача 191,9 минг нафар ёшни қишлоқ хўжалигида иш билан таъминлаш орқали қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун 55,7 минг гектар майдон ажратиб берилгани айтиб ўтилди.

Бундан ташқари, дастурда коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, яъни Адлия вазирлиги томонидан “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳамда Коррупцияга қарши курашишнинг 5 йиллик стратегиясини ишлаб чиқиш, иқтисодиёт соҳаларида “комплаенс назорат” тизимини жорий этиш ва бошқа норматив ҳужжатлар тайёрлаш жараёнини жадаллаштириш зарурлиги ҳам таъкидланди.

*Йиғилишларда кўрилган масалалар юзасидан Сенат қўмиталарининг қарорлари қабул қилинди.*

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ДЕПУТАТЛАР ҲУКУМАТНИНГ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН БЕРГАН ҲИСОБОТИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАДИ?



1

Хусусан, Давлат дастурининг 94-бандига мувофиқ, қишлоқдан туман марказигача, туман марказидан вилоят марказигача транспорт хизматлари кўламини кенгайтириш ва уларнинг сифатини оширишга доир, 145-бандига биноан, аҳолининг минимал истеъмол харажатларини эълон қилиш амалиётини йўлга қўйишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳанузгача қабул қилинмаган. Дастурнинг 142-бандига асосан, хорижга ташкиллаштирилган меҳнат миграциясига кетаётган ва хорижий тил ҳамда касблар бўйича малака имтиҳонларини муваффақиятли топширган фуқароларни рағбатлантириш тизимини жорий этиш бўйича Ҳукумат қарорини қабул қилиш ишлари кечикмоқда.

Шу билан бирга, Давлат дастурининг 237-бандига кўра, олий таълим муассасасида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилаларга таълим кредити бериш тартибини жорий этиш борасидаги ишлар якунига етмаган.

Тақдим этилган ҳисоботни муҳокама қилиш чоғида қуйи палатадаги сиёсий партиялар фракциялари дастурнинг ижросини таъминлашда Ҳукумат аъзолари бошқа қатор муҳим масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиши лозимлигини қайд этди. Мазкур масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосари, тегишли вазирликларнинг жавоблари эшитилди.

Депутатлар томонидан бугунги мураккаб шароитда аҳолини коронавирусга қарши профилактик эмлаш ишларини жадаллаштириш ҳамда ушбу жараённинг сифатли олиб борилиши устидан назоратни кучайтириш юзасидан барча зарур чора-тадбирлар кўриш лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ўз навбатида, коронавирус пандемияси даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш кабилар устувор вазифа бўлиб қолаётгани қайд этилди.

Мажлисда ҳисобот юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўз нуқтаи назарини билдирди. Депутатларнинг фикрлари асосида Ҳукуматга Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини тўла-тўкис ва ўз вақтида таъминлаш бўйича бир қатор таклифлар берилди.

Хусусан, **ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари** мажлисда партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, Давлат дастурининг иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар, эришилган натижаларга алоҳида эътибор қаратди. Депутатлар республика бўйича экспорт ҳажми 7 миллиард 55 миллион долларни ёки ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан ўсиш суръати 112,3 фоизни ташкил этганини ижобий баҳолади.

Шу билан бирга, дастурнинг ҳар бир бандида халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, ишсизлик даражасини қисқартириш ва тадбиркорлар сафини кенгайтиришдек муҳим мақсадлар турганини айтиб, уларнинг ижросини ўз вақтида ва сифатли таъминлаш бўйича бир қатор таклифларни берди.

**“Миллий тикланиш” ДП фракцияси вакиллари** Давлат дастури муҳокамалари жараёнида ижтимоий соҳа, жумладан, мактабгача таълим, халқ таълими ва олий таълим соҳасида белгиланган вазифалар ижросига эътибор қаратди. Жумладан, мактабларда Тарбия фани жорий қилингани, олий таълимда ушбу фан бўйича шу йилдан бошлаб мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилгани инобатга олиниб, қабул жараёнида амалда ушбу вазифа бажарилмагани юзасидан тегишли вазирликка эътироз билдирди ва изоҳ сўради.

Фракция аъзолари фикрича, Тарбия фани бўйича махсус мутахассислар тайёрланмас, яъни унга иккиламчи фан сифатида қараш давом этар экан, бу йўл билан мақсадга эришиш амримаҳол. Чунки бу фан профессионалликни талаб қилади. Тегишли вазирликларнинг жавобидан маълум бўлмоқдаки, бу борада етук мутахассисларни тайёрлашда бир йил бой берилган. “Миллий тикланиш” мазкур масала билан жиддий шуғулланишда давом этишини билдирди.

**Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси аъзолари** дастурнинг ижросидаги ижобий жиҳатларни эътироф этди. Шунинг баробарида, кечиктириб бажарилаётган айрим бандларга эътибор қаратиб, уларда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда йўл қўйилган камчиликларга тўхталди. Баъзи ҳолларда ижро кузатилса-да, бироқ натижадорлик кутилган даражада эмаслиги танқид остига олинди.

Фракция аъзолари коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш чоралари кўрилаётганини қайд этиш билан бирга, амалда ҳамон муаммолар, хусусан, инсон омили сақланиб қолиниши, давлат хизматларини кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, давлат кадастри ва бошқа соҳаларда коррупциоген ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида рақамли технологияларни кенг жорий қилишни жадаллаштириш лозимлигини билдирди.

**Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари** таъкидлаганидек, Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар партиянинг дастурий мақсадлари ҳамда электорати манфаатларига уйғун. Шу нуқтаи назардан, бу вазифаларнинг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши партия учун муҳим.

Фракция аъзолари қилинган ишларга муносиб баҳо берди. Ҳисоботдаги ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида амалга оширилган ишларни изоҳловчи рақамлар депутатларнинг эътирозига сабаб бўлди. Мисол учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жами 425 минг 662 нафар йигит-қизнинг ўз иш ўрнига эга бўлгани қайд этилган. Депутатларнинг сайлов округларидаги ўрганишлари давомида эса, “ёшлар дафтари” бўйича бандлиги таъминлангани ҳисоботларга киритилган айрим ёшларнинг амалда ишсиз юргани аниқланган. Фракция ҳар бир рақам ва маълумотнинг ҳаққонийлигига эришиш долзарб вазифа эканлигига Ҳукуматнинг эътиборини қаратиб, қатор таклифларни илгари сурди.

**Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси вакиллари** Давлат дастури доирасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганини эътироф этди. Шу билан бирга, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ободонлаштириш бошқармалари таркибида дарахт ва буталарни ҳимоя қилиш бўлимларини ташкил этиш масаласи юзасидан бажарилаётган ишларнинг суст олиб борилаётганини қайд этди.

Шунингдек, кўчат экиш мажбурияти бўйича амалга оширилаётган ишларнинг етарли даражада эмаслиги юзасидан фракция аъзолари жиддий эътироз билдириб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан қатор таклифлар берди.

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастури ижроси юзасидан тақдим қилган ҳисоботи маъқулланиб, Ҳукуматнинг тегишли фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар акс этган тегишли қарор қабул қилинди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

# ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСЛАРИ

## ЙИРИК МИНТАҚА АҲОЛИСИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

1

**Хусусан, Юртбошимиз томонидан билдирилган 10 та ташаббус қуйидаги мақсадларга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир:**

- қарийб икки миллиард аҳоли яшайдиган Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро алоқаларни қайта тиклаш;
- ҳудуддаги халқларнинг улкан тарихий, илмий, маданий-маърифий мероси ва иқтисодиётининг ўзаро бир-бирини тўлдириш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда биргаликдаги саъй-ҳаракатларни амалга ошириш;
- ўзаро боғлиқлик, ҳамкорлик, мулоқот ва энг асосийси, ишонч изчил ва барқарор ривожланиши, минтақалар аҳолисининг турмуш даражаси ҳамда фаровонлигини ошириш.

Ушбу ташаббуслар, бир томондан, зиддият ва ижтимоий-иқтисодий ларзалардан холи бўлган минтақалараро ҳамкорлик ва шериклик майдонини, иккинчи томондан, маҳсулот ва хизматлар, инвестиция ва инновацияларнинг кенг бозори шаклланиши учун зарур шароитларни яратишга асос бўла олади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари халқаро ташкилотлар ҳамда экспертлар томонидан кенг эътироф этилмоқда. Зеро, ушбу ташаббуслар, энг аввало, Марказий ва Жанубий Осиёдаги барча давлатларнинг умумий манфаатларига жавоб беради.

Қолаверса, минтақанинг узоқ муддатли истиқболи, келгуси ривожланишининг асосий “драйвер”и бўлиб хизмат қиладиган барқарор савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация алоқаларини шакллантиради. Икки минтақа ўртасида транспорт коммуникациялари тизими шаклланиши Евроосиёда континентал юк ташиш ҳажми ўсишини ва Шарқдан Ғарбга ҳамда Шимолдан Жанубга чўзилган транспорт йўлаклари кесишган жойдаги Марказий Осиё транзит салоҳияти мустаҳкамланишини таъминлайди.

Шу билан бирга, Афғонистон Ислом Республикасининг Марказий ва Жанубий Осиё минтақавий боғлиқлиги амалда таъминланади. Бу каби ўзгаришлар Ўзбекистон ва минтақа давлатларининг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш, унинг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида боғловчи кўприк сифатидаги тарихий ролини тиклашга хизмат қилади.

Президентимиз: “Бизнинг олдимизда Марказий ва Жанубий Осиёни, умуман, бутун Евроосиё минтақасини барқарор, иқтисодий ривожланган фаровон ҳудудга айлантириш вазифаси турибди”, дея таъкидлаганида ана шу ҳақиқатни назарда тутгани аниқ. Бу, ўз навбатида, минтақадаги ҳар бир давлат доирасида олиб борилаётган ҳамкорлик борасидаги муносабатлар аҳолимиз манфаатларидан келиб чиқаётганлиги, халқларимизнинг тарихий ва цивилизациявий муштараклигининг ёрқин исботидир.

Эътиборлиси, ана шу саъй-ҳаракатлар натижасида бу минтақалар улкан бозор салоҳияти билан глобал иқтисодиёт марказларидан бирига айланмоқда. Жанубий Осиё билан ҳар томонлама ўзаро боғлиқликни ривожлантириш Марказий Осиё давлатлари учун стратегик вазифага айланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Марказий Осиёнинг иқтисодий ва сармоявий жозибадорлигини тубдан яхшилаш имконини беради.

Умуман, мазкур анжуман янги хатар ва таҳдидларга қарши курашда, трансчегаравий инфратузилмалар хавфсизлигини таъминлашда минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан тарихдан мустаҳкам ўрин эгаллайди, десак, муболаға бўлмайди.

**Наримон УМАРОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси.**

## Семинар

*Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан “Узумчилик, бу — халқимизнинг даромад манбаидир” мавзуида семинар ташкил этилди.*

# УЗУМЧИЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ



Унда Сенат аъзолари, Қишлоқ хўжалиги, Сув хўжалиги вазирликлари, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги, Тошкент давлат аграр университети ва бошқа тегишли идора ва корхоналарнинг масъул ходимлари қатнашди.

Қайд этилганидек, фермер хўжаликлари томонидан 90 минг гектар майдонда узум етиштирилиб, уларда 900 минг киши доимий ва мавсумий иш билан таъминланган. Бошқа соҳалар билан қиёслаб кўрилганда ҳам узумчилик катта салоҳият ва имкониятга эга. Аммо шунга қарамай, айрим ҳудудларда йирик токзорлар майдони сўнгги тўрт йилда 7 минг гектарга камайгани, тармоқда селекция ишлари деярли йўқлиги, токзорларни янгилаш тизими йўлга қўйилмагани, кўчат етиштириш илми ва технологиясига амал қилинмаслиги, кўчат касалликлари билан олимлар ва ишлаб чиқарувчилар шуғулланмаётгани таъкидланди.

Семинарда янги экспортбоп узум плантациялари ташкил этиш, илмий муассасалар ерларида сертификатланган узум кўчатлари етиштириш, субсидия ажратиш, узумчиликда теримдан кейинги тадбирлар муаммолари ва уларнинг ечимини тўғри ташкил қилиш ишлари, узум касалликларига қарши самарали ва хавфсиз кураш усуллари ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Шунингдек, мазкур тармоққа ҳам илм-фан ва инновацияларни кенг жорий этиш, узумни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотга айлантиришнинг тўлиқ циклини яратиш учун виночилик кластерлари очиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲАР БИР ҚОНУН ИЖТИМОИЙ МАСЪУЛИЯТНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар томонидан бир қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди.*

## Ялпи мажлис

### Нега интеллектуал мулк муҳофазасига эътибор кучаймоқда?

Мажлисда дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Таклиф этилаётган лойиҳада интеллектуал мулк объектларига оид қонун бузилиши ҳолатларини содир этганлик учун юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган молиявий санкциялар ва уларнинг қўлланилиш механизми, товар белгиси ва хизмат кўрсатиш белгисининг фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахс номига рўйхатдан ўтказилишига нисбатан қонунчиликда мавжуд чекловларнинг бекор бўлиши ўз ифодасини топган.

Депутатларнинг фикрича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши юридик шахсларнинг корпоратив жавобгарлиги бўйича нормаларнинг киритилиши ҳамда интеллектуал мулк соҳаси ўсишига катта йўл очади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

### Солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни юритишда инсон омили камайтирилади

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан Жиноят, Солиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекслар ҳамда “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги ва “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 19 майдаги тегишли Фармонига асосан, қонуности ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқий жавобгарлик чоралари ва меъёрлар қонун даражасига чиқарилмоқда. Хусусан, хорижий валютадаги тушумни кечиктириш ҳолати учун қўлланиладиган молиявий жарима миқдори 2 баравар камайтирилган ҳолда “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунга ўтказилмоқда.

Мажлисда таъкидланишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни юритишда инсон омилини камайтириб, унинг шаффофлигини таъминлайди. Ўз навбатида, давлат солиқ хизмати органларида коррупция ҳолатларининг олдини олиб, маъмурий харажатларни камайтириш имконини беради.

Узоқ тортишув, баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

### Сув таъминоти ташкилотларига мажбуриятлар юклатиляпти

Амалдаги қонунчиликда ичимлик суви ва оқова сув хизматлари истеъмолчиларининг мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлиб, сув таъминоти ташкилотларининг мажбуриятлари эса мустаҳкамланмаган. Сув таъминоти ташкилотлари фаолиятида интизомнинг сустлиги оқибатида қувурларда носозликлар вужудга келмоқда, истеъмолчилар томонидан уларга ноқонуний уланиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Соҳада учраётган салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида “Ичимлик суви таъминоти ва оқова сув чиқариш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар томонидан биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳаси билан ҳар ойда камида бир маротаба кўрсатилаётган хизматлар миқдорини аниқлаш ва ҳисоблагичлар ҳолатини ўрганиш, режали тўхталиш ёки тизимдаги узилишларни бартараф этиш давомийлиги 12 соатдан ошган тақдирда аҳолини махсус машиналарда ичимлик суви билан таъминлаш, бир кун мобайнида тармоқларда бузилишлар, тўхталиш муддатлари ва чекланишлар сабаблари ҳақида истеъмолчиларни хабардор қилиш ҳамда тарифлар ва устама ҳақларининг нархи ўзгариши ҳақида 15 кун олдин истеъмолчиларни хабардор этиш сув таъминоти ташкилотларининг мажбурияти қилиб белгиланмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

### Эмланишни рад этган ходим ишга қўйилмайди

Бугунги кунда дунё миқёсида коронавирус инфекцияси билан касалланганлар сони 193 миллиондан ошди, кунлик касалланиш ҳолатлари сони ўртача 500 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда ҳам мазкур инфекцияни юқтирганлар сони ортиб, кунлик касалланиш ҳолатлари кўпайиб боряпти. Айни пайтда фуқароларнинг вакциналарга бўлган ишончсизлиги оқибатида коронавирусга қарши тўлиқ эмлашдан фақат 1 миллион 27 минг киши ўтган. Жамоавий иммунитетни шакллантириш учун эса аҳолининг 60 — 80 фоизи эмланиши талаб этилади.

Ялпи мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси жараёнида айни масалалар баҳс-мунозара марказида бўлди.

Депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилган қонун лойиҳасида “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши хавфи юзага келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачининг қарори асосида аҳолини профилактик эмлашдан ўтказиш жорий этилиши мумкинлиги тўғрисида аниқ норма киритилмоқда.

Шунингдек, Меҳнат кодексининг 113-моддасида ходим юқумли касалликлар тарқалиши хавфи мавжуд бўлган тақдирда жорий қилинадиган профилактик эмлашдан ўтишни рад этган тақдирда (соғлиғининг ҳолатига кўра қарши кўрсатма мавжуд бўлмаганда) иш берувчи уни ишга қўймасликка ҳақли эканлиги белгиланмоқда.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан юқумли касалликлар тарқалиши хавфи мавжуд бўлган тақдирда профилактик эмлаш ўтказишни жорий этиш юзасидан амалдаги қонунчиликдаги мавжуд зиддиятлар бартараф қилинади.

Изоҳ: бу билан ҳаммани мажбурий эмлаш жорий этилмаяпти. Гап маълум бир тоифадаги ишчи-ходимларнинг вакцина олиши ҳақида кетяпти. Бу тоифа вакиллари (14 тоифа) матбуотда эълон қилинган.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва юқори палатага юборилди.

### Минтақавий брендларни ривожлантиришга оид қонун лойиҳаси

Депутатлар “Географик кўрсаткичлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳасининг асосий мақсади — интеллектуал мулк объекти сифатида географик кўрсаткичларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш учун қонунчилик базасини яратиш орқали минтақавий брендларни ривожлантириш.

Лойиҳада нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тегишли ҳокимиятларнинг географик кўрсаткични рўйхатдан ўтказиш учун ваколатли органга мурожаат қилиш ҳуқуқи бериляпти. Мазкур ҳолатда ННТ ишлаб чиқарилаётган товарни белгилаш учун номи қўлланиладиган ушбу географик объектда жойлашган юридик ва (ёки) жисмоний шахс манфаатларини ифодалаш ваколатига эга бўлиши шарт.

Географик кўрсаткични рўйхатдан ўтказган шахс, агар товар сифати, ном қозониши ёки бошқа хусусиятлари кўп жиҳатдан унинг географик келиб чиқишига боғлиқ бўлган товарни ишлаб чиқараётган бўлса, ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Қолаверса, географик кўрсаткичдан фойдаланиш ҳуқуқи айнан шундай хусусиятларга эга бўлган товарни ишлаб чиқараётган бошқа юридик ёки жисмоний шахсга ҳам берилиши мумкин.

Мажлисда лойиҳанинг қабул қилиниши минтақавий брендларни ривожлантиришга хизмат қилиши айтилиб, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

### Янги нормалар акс этмоқда

Замонавий ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларда гидрометеорологик кузатувлар, атроф табиий муҳит ҳолати мониторингини ўтказиш, кузатув натижалари бўйича маълумотларни тўплаш, уларга ишлов бериш ва тарқатишда юзага келадиган муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик асосининг етарли эмаслиги боис “Гидрометеорология фаолияти тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурияти пайдо бўлди.

Ялпи мажлисда кўриб чиқилган мазкур қонун лойиҳасининг муҳокамаси эса ниҳоятда қизғин кечди.

Қайд этилганидек, тақдим қилинаётган қонун лойиҳаси гидрометеорология ва унга яқин бўлган соҳалардаги фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди. Давлат, юридик ва жисмоний шахсларнинг гидрометеорологик маълумотларга, шунингдек, атроф табиий муҳит ҳолати ва унинг ифлосланиши тўғрисидаги маълумотларга бўлган талабини таъминлашга қаратилади.

Депутатларнинг айтишича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши гидрометеорология соҳасидаги минтақавий ва халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, инновацион технологияларни жорий этиш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишга имкон яратади.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

## Ғамхўрлик

*Юртимизда Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ва мустақил ҳаётга қадам қўйган чин етимлар давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, уй-жой билан таъминланмоқда. Бу эса уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун муҳим ўрин тутаётир.*

# ЯНГИ УЙЛАР ЎЗ ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ

Самарқандда ана шундай ёшларнинг 26 нафарига вилоятнинг Жомбой ва бошқа ҳудудларида бунёд этилган янги уй-жойлар тантанали равишда топширилди.

Шу муносабат билан уюштирилган маросимда вилоят ҳокими Э. Турдимов қатнашиб, ёшларни табриклади.



Улар доимо давлатимизнинг эътиборида эканлигини таъкидлади.

— Бу йил вилоятимиз бўйича 59 нафар чин етимни уй-жой билан таъминлаш кўзда тутилган эди, — дейди Э. Турдимов. — Аммо кейинги ўрганишларда вилоятимизда бундай ёшлар 84 нафар эканлиги маълум бўлди ва бугун уларнинг 26 нафарига вилоят ҳокимлиги ҳамда саховатпеша тадбикорларимиз томонидан 6 миллиард сўм маблағ сарфланиб, янги уйларни топширдик. Шу йилнинг октябрь ойига қадар қолганлари ҳам ўз уйларига эга бўлади.

Ўғилой Тоғаева Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйида тарбияланган. Мактабни битирганидан кейин Самарқанд давлат тиббиёт институтига ўқишга кирди. Айни пайтда институтни битираётган Ўғилой Жиззах вилоятининг Бахмал туманида умумий амалиёт шифокори сифатида ҳам ишламоқда.

— Орзуларимдан яна бири ушалди, — дейди Ў. Тоғаева. — Жомбой туманида қурилган замонавий уйга эга бўлдим. Мутасаддилар ишимни ҳам шу ерга кўчириб беришини айтди. Бор билим ҳамда салоҳиятимни ишга солиб, халқимиз саломатлигини асраш учун хизмат қиламан.

Самарқанд шаҳридаги 11-Меҳрибонлик уйини битирган Фирдавс Муродов айни пайтда "Меҳнат" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари вазифасида ишласа-да, тўққиз йилдан буён ижарада яшарди. Энди у ҳам шаҳарнинг Геофизиклар маҳалласида янги қурилган уйлардан шинам хонадон эгаси бўлди.

— Жуда бахтиёрман, қувончим чексиз, — дейди Ф. Муродов. — Ўз уйинг бўлиши қандай бахт! Бунинг учун давлатимиздан миннатдорман. Бунга жавобан, албатта, муносиб фарзанд бўлиб, Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўшаман.

Маълумотларга кўра, ўтган йилда вилоятда Меҳрибонлик уйларида тарбияланган ёшларнинг 20 нафарига янги қурилаётган кўп қаватли уйлардан хонадонлар ажратилиб, жами 2 миллиард сўм бошланғич тўлови тўлаб берилган. Шунингдек, бу йигит-қизларга иш ўринлари ажратилди. Яна 12 нафар ёш эса ҳокимлик томонидан тураржой билан таъминланган.

Кўриниб турибдики, жорий йилда ушбу хайрли ишларнинг кўлами ва қамрови анча кенгайган. 84 нафар чин етимдан ташқари, Меҳрибонлик уйида тарбияланган, аммо ўз уй-жойига эга ёшларнинг хонадонлари ҳам ҳокимлик ва ҳомийлар кўмагида таъмирлаб берилмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ДИНИЙ-МАЪРИФИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

*Ўзбекистон замини асрлар давомида илм-маърифат, заковат ва тафаккур маркази бўлиб келган. Аждодларимизнинг буюк даҳолари яратган ўлмас ҳамда бебаҳо асарлар ҳозиргача дунё цивилизацияси ривожида муносиб ўрин эгаллаб, уларнинг ноёб нусхалари жаҳон кутубхоналарининг энг қимматли хазинаси сифатида сақланмоқда.*

## Муносабат



Кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш асносида ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартларидан биридир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган эзгу ғоялар дунёнинг нуфузли сиёсатчилари, давлат ва жамоат арбоблари томонидан ҳам кўтаринкилик билан кутиб олинмоқда. Хусусан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Ҳусайн ўз интервьюсида бугунги нотинч ва таҳликали замонда Ўзбекистондаги мавжуд динлараро ҳамда миллатлараро тотувлик, диний-маърифий соҳадаги ислоҳотлар турли давлатлар учун ўрнак бўлишга лойиқ эканини қайд этган бўлса, АЙСЕСКО бош директори Салим Муҳаммад Абдулмалик: *"Ўзбекистон амалга оширилаётган босқичма-босқич ислоҳотлар ва прагматик ташқи сиёсат туфайли Марказий Осиёда ва халқаро майдонда тараққий этган сиёсий ҳамда иқтисодий марказлардан бирига айланиб бормоқда. АЙСЕСКО ва шахсан мен Ўзбекистоннинг ҳар томонлама ҳамда чуқур ўйланган бундай ички ва ташқи сиёсатини юксак қадрлаб, тўлиқ қўллаб-қувватлайман"*, дея эътироф этди.

Албатта, бу ислоҳотлар бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ҳамда доимий эътибори самарасидир. Жаҳонда кечаётган мураккаб сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий бўҳронлар жараёнида бу энг тўғри ҳамда самарали йўл экани дунёнинг бошқа кўплаб давлатлари учун ибрат бўлмоқда.

Шу маънода, Президентимизнинг 2021 йил 16 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори мамлакатимизда диний-маърифий соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг изчил давоми бўлди, десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Зеро, учинчи Ренессанснинг илмий-маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий-диний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизнинг ислом цивилизациясини ривожлантириш борасидаги ролини янада ошириш ҳамда буюк алломаларнинг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссасини миллий ва халқаро миқёсда оммалаштириш энг долзарб вазифалардан бўлиб турган бугунги шароитда халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини тўлиқ юзага чиқариш, уни янги ютуқларга илҳомлантириш, бундан-да улуғ марраларни эгаллашга интилишларини янада рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш зарур.

Ушбу қарор марказ фаолиятида янги, янада юксак босқични бошлаб беришига ҳамда унинг олдига қўйилган вазифалар кўлами кенгроқ, теранроқ ҳамда самаралироқ бўлишида мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Ҳужжатда марказнинг янги мақоми асосий учта йўналиш орқали белгилаб берилган. Унга кўра, ушбу муассаса "Учинчи Ренессанс — янги Ўзбекистон" ғоясини кенг тарғиб қилувчи, мамлакатимиз тарихининг янги юксалиш давридаги ютуқларини илмий асосда ўрганувчи, уни кенг жамоатчиликка етказиб берувчи, моддий-маданий мерос намуналарини, ислом дини билан боғлиқ қадимий ва бой анъаналарни тарғиб қилувчи илмий-маърифий масканга айлантирилди.

Айнан шу мақсадлар келгусида амалга ошириладиган илмий, маърифий ва маданий ишларда марказ жамоаси учун устувор йўналиш вазифасини ҳам ўтайди.

Мухтасар айтганда, Президентимиз таъкидлаганидек, **ушбу марказ шундай маскан бўлиши керакки, у ерга ташриф буюрган ҳар қандай зиёратчи қайтиб чиқаётганда ўз табиати, руҳияти, дунёқараши ва феъл-атворида Ватанимиз ва халқимизга, миллий қадриятларимиз ва улуғ аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросига муносабатида яққол ўзгаришни ҳис қилиши лозим. Чунки бу марказ фақат ислом цивилизациясининг шаклланиши ва ривожланиши, эришган ютуқлари эмас, балки умуман бутун башариятнинг минг йилликлар давомида қўлга киритган нодир моддий ва маънавий мулки, тадрижий ёки суръатли тараққиёт босқичлари ҳақида кенг, аниқ ва бой тасаввур ҳосил қилади.**

Қарорда белгиланган янги вазифалар ижросини тўлақонли таъминлаш мақсадида "Йўл харитаси"нинг тасдиқлангани марказнинг ҳақиқий ҳаракатлар стратегияси бўлди. Унда марказ ҳузурида республикамизда зиёрат туризмини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга уйғун ҳолда гид-таржимонлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини тизимли ошириб бориш, шунингдек, халқимизнинг ислом манбаларини ўрганишга бўлган интилишларини ҳисобга олган ҳолда бу борада махсус курслар ташкил этиш белгиланди. Бундан мақсад эса юртимиздаги тарихий ва меъморий обида ҳамда зиёратгоҳлар тарихини яхши биладиган малакали гид-таржимонлар тайёрлашдир. Ислом динининг асосий манбаларининг бир нечта хорижий тилларни биладиган етук мутахассис кадрлар томонидан халқимизга етказилиши ҳам марказ қошидаги курслар зиммасига юклатилди.

Бундай муҳим вазифаларни сифатли ва самарали бажаришда молиявий кўмак сифатида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди. Мазкур жамғарма фаолияти илмий адабиётларни яратиш, чоп этиш, ноёб асарлар ва ҳужжатларни харид қилиш орқали марказ китоб фондини кенгайтиришга йўналтирилади. Шунингдек, илмий тадқиқотлар ишларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий, илмий, маънавий ва маърифий тадбирларни ташкил этиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастурлари ижросини таъминлаш, шунингдек, конференциялар, семинарлар ва бошқа тадбирларни, жумладан, хорижий мамлакатларда ўтказиш, марказ фаолиятида замонавий ахборот технологияларини жорий қилишда жамғарма маблағларидан фойдаланилади.

Ўзбекистонда қадимдан шаклланган амалий санъат турлари — қоғоз ишлаб чиқариш, муқовасозлик ва хаттотлик каби санъатларни тиклаш борасида ҳам "Йўл харитаси"да аниқ вазифалар белгилаб берилган. Унга биноан марказ ҳузурида Самарқанд қоғози, муқовасозлик ва хаттотликнинг қадимий анъаналарини тиклаш бўйича устахона-лаборатория ташкил қилиш ва шу орқали юртимизга ташриф буюрадиган хорижий меҳмонларга халқимизнинг бебаҳо санъат намуналарини намойиш этиш ҳамда унутилиб бораётган ҳунармандчилик сир-асрорларини тиклашга замин яратиш белгиланди.

Мухтасар айтганда, қарор Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини том маънода тамаддун осориатиқаларидан ҳикоя қилувчи масканга, умумбашарий ва исломий ютуқларни очиб берувчи билим булоғига, ҳамюртларимизни, айниқса, ёшларимизни ёт ғоя ва мафкуралардан ҳимоя қилувчи, тўғри йўлга бошловчи, эзгу ғоялар билан илҳомлантирувчи, буюк ишларга бел боғлашга руҳлантирувчи маънавий-маърифий зиё муассасасига айлантиради.

**Шовосил ЗИЁДОВ,**
**Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори.**

# МУСОБАҚАЛАР ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

*Шу кунларда Япония пойтахти Токио шаҳрида жаҳоннинг энг муҳим ва йирик мусобақаси — Олимпиада ўйинлари қизғин паллага кирган.*

## Олимпиада кундалиги



Кеча Олимпиаданинг навбатдаги баҳслари бўлиб ўтди. Кун давомида 5 нафар спортчимиз ўз имкониятларини синовдан ўтказди.

Дастлаб дзюдочи Фарангиз Ҳожиева гиламга чиқиб, Кабо-Верде вакиласига имкониятни бой берди. Шундан сўнг таэквондонинг +67 кг. вазнида иштирок этаётган Светлана Осипова доянга чиқди. Унга қозоғистонлик Жансель Дениз рақиблик қилди. Муросасиз ва кескин курашлар остида кечган беллашув 8:9 ҳисобида Денизнинг фойдасига ҳал бўлди.

Олимпия ўйинларининг бокс бўйича баҳслари ҳам қизғин беллашувларга бой ўтмоқда. Ўзбекистонлик боксчилар ишончни оқлашда давом этаётир. Хусусан, -69 кг. вазнда Бобоусмон Батуров Доминикана Республикаси вакили Поландо Роханга қарши жанг ўтказди ҳамда 4:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Энди у чорак финалда Буюк британиялик Пет Маккормакка қарши рингга кўтарилади. Бўлажак рақиб жаҳон чемпионати финалчиси ҳисобланади.

Нуфузли мусобақанинг дзюдо бўйича беллашувларида -81 кг. вазнда қатнашган Шарофиддин Болтабоев Токио Олимпиадасини 7-ўринда якунлади.

Яна бир вакилимиз Хуршиджон Турсунов 100 метрга эркин сузиш бўйича 50.14 сония натижа билан ўз гуруҳида тўртинчи бўлди. Умумий ҳисобда эса у 71 нафар спортчи орасида 41-ўринни эгаллади.

**«Халқ сўзи».**

*ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!*

# ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛМОҚДА

Тошкент давлат юридик университети эҳтиёжлари учун компьютер техникасини етказиб бериш.

| № | Товар номланиши | Ўлчов бирлиги | Сони | 1 бирлик нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Персонал компьютерлар | к-т | 400 | 970 $ | 388.000 $ |
| 2 | Моноблок | к-т | 200 | 950 $ | 190.000 $ |
| | | | | Жами: | 578.000 $ |

**Буюртманинг максимал қиймати:**
578.000 (беш юз етмиш саккиз минг) АҚШ доллари.

**Етказиб бериш муддати:** 60 календарь куни.

**Етказиб бериш шартлари:** Тошкент CIP.

Буюртмачи: Тошкент давлат юридик университети, кейинги ўринларда — Буюртмачи.

**Буюртмачининг манзили:** 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй.

**Буюртмачининг масъул шахси:** харидлар бўлими бошлиғи Бекзодбек Кучканов, тел.: +99897-756-77-50, почта манзили tender@tsul.uz

**Тендер ташкилотчиси:** "Avalon" МЧЖ давлат харидларини ўтказиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилот.

**Тендер ташкилотчисининг манзили:** 100060, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирobod тумани, Амир Темур шоҳкўчаси, 19/18-уй, тел.: +99890-168-90-28, эл.почта: avalon.uz@mail.ru

**Тендер иштирокчилари қуйидагиларни тақдим этишлари шарт:**

харид комиссияси номига тендерда қатнашиш учун ариза;

пул закалатини киритганлик ҳақида тўлов топшириқномасининг нусхаси ёки банк кафолатининг асл нусхаси (банк кафолати SWIFT тизими ёрдамида тасдиқланиши керак);

иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, имзо ва муҳр билан тасдиқланган таъсис ҳужжатлари нусхаси;

қатнашчи тугатилиш, қайта ташкил этилиш ёки банкротлик, буюртмачи билан суд ёки арбитраж тартибида низоларни кўриб чиқиш жараёнида эмаслигини ҳамда бажарилмаган шартномавий мажбуриятлар йўқлигини тасдиқловчи кафолат хати;

тендер иштирокчиси ҳақида умумий маълумот;

қатнашчининг Давлат бюджети олдида солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома (резидентлар учун my.soliq.uz сайтидан тендер даврида олинган маълумотнома);

тендер савдолари предметига ўхшаш асбоб-ускуналарни етказиб бериш, етказиб бериш ҳажми ва буюртмачининг номи кўрсатилган маълумот;

иштирокчининг молиявий ҳолати, шу жумладан, тендер предмети қийматининг камида 20% миқдорида жорий ҳисобда айланма маблағларининг мавжудлиги тўғрисида маълумот (хизмат кўрсатувчи банк томонидан тасдиқланган ҳужжатлар асосида);

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сертификатланган хизмат кўрсатиш маркази мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Ушбу ташкилот (компания) раҳбари йиғилишида қатнашиш имкони бўлмаса, ҳужжатларни тақдим этиш, тендер буюртмачиси ва ишчи органи билан музокаралар ўтказиш, харидлар комиссияси мажлисларида иштирок этиш, техник ҳамда нарх-наво масалалари юзасидан тушунтириш ва бошқа юмушларни ҳал қилиш учун вакилга ишончнома бериши зарур.

**Қуйидагилар тендерда қатнашолмайди:**

малакавий танлов учун зарур ҳужжатлар тўпламини белгиланган муддатда тақдим этмаганлар;

малакавий ҳужжатлари, белгиланган тендер талабларига мос келмаганлар;

тендер эълон қилингунига қадар 6 ойдан кам муддатда таъсис этилган иштирокчилар;

қайта ташкил этиш, тугатиш ва банкротлик ҳолатидаги қатнашчилар;

буюртмачи билан суд ёки арбитраж судида низолари кўриб чиқилаётганлар;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилганлар;

солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги мавжуд бўлганлар;

илгари тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни тегишли тартибда бажармаганлар;

танлов иштирокчиси кўрсатмасининг 5-бўлимига мувофиқ тендер таклифининг қайтариб олинмаслигини таъминламаганлар;

тендер предметига доир лойиҳаларни амалга ошириш тажрибасига эга бўлмаганлар;

имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операциялар (офшор зоналари) пайтида маълумотни ошкор қилишни ҳамда тақдим этишни назарда тутмаган давлатларда ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтганлар, шунингдек, офшор зоналарда жойлашган банкларда ҳисобварақлари бўлганлар.

**Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, қуйидаги ҳолатлар аниқланган тақдирда талабгорлар тендерда иштирок этолмайди:**

манфаатлар тўқнашуви;

нархлар ёки иштирокчиларни танлаш натижаларини бузиш мақсадида олдиндан тил бириктирганлик ҳолати;

фирибгарлик, сохталаштириш ва коррупция ҳолатлари;

таъсисчилари битта шахс бўлган юридик ва жисмоний шахслар;

Ўзбекистон Республикасида сертификатланган маркази ҳақида маълумот тақдим этмаган иштирокчилар.

Ушбу ҳолатлар аниқланган тақдирда тендер барча босқичда тўхтатиб қўйилиши (бекор қилиниши) мумкин.

Тендер ҳужжатларини http://dxarid.uzex.uz/ru/tender2/lot/7128420/ махсус маълумотлар порталидан юклаш ёки тендер ташкилотчисидан сўраб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳкўчаси 19/18, боғланиш учун: Валентин Николаевич Иванов. Телефон: +99890-168-90-28, avalon.uz@mail.ru

**Диққат!**

Тендер таклифи бўлган конвертни тақдим этишдан олдин, иштирокчилар avalon.uz@mail.ru ишчи орган электрон почта манзилига ёзма хабар ҳамда мажбурий тартибда tender@tsul.uz буюртмачининг электрон почта манзилига унинг нусхасини юбориши шарт.

Таклифлар www.xarid.uz махсус ахборот порталида тендер эълон қилингандан сўнг 2021 йил 7 август куни соат 11.32 гача бўлган муддатда қабул қилинади.

Тендер таклифи бўйича конвертларни очиш 2021 йил 7 август куни соат 11.32 да буюртмачининг 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уйда жойлашган биносидаги мажлислар залида бўлиб ўтади.

ЭЪЛОНЛАР

# 01/2021-sonli tenderni o'tkazish to'g'risida

## MAHSULOTNING TAVSIFI VA NARXI

Favqulodda vaziyatlar vazirligi Seysmoprognostik monitoring Respublika markazi seysmik asbob-uskunalarni (Сейсмическая станция со встроенным велосиметром и регистратором) xarid qilish bo'yicha 01/2021-sonli tender e'lon qiladi.

Xarid qilingan tovarlarning yakuniy narxi tender hujjatlarining narx qismida ko'rsatilgan.

Moliyalashtirish manbai — O'zbekiston Respublikasi FVV Seysmoprognostik monitoring Respublika markazining o'z mablag'lari.

## TENDER O'TKAZILADIGAN JOYNING MANZILI

O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, 100052, Mirzo Ulug'bek tumani, Katta Darxon ko'chasi, 20-uy, Favqulodda vaziyatlar vazirligi Seysmoprognostik monitoring Respublika markazi.

## TENDER ISHTIROKCHILARI UCHUN TALABLAR

Tenderda mulkchilik shaklidan qat'i nazar, har qanday yuridik shaxslar, shu jumladan, kichik biznes sub'yektlari qatnashishi mumkin.

Tenderda ushbu mahsulotni ishlab chiqarish/yetkazib berish uchun sertifikat va litsenziyaga ega xorijiy yuridik shaxslar (O'zbekiston Respublikasi norezidentlari) — ishlab chiqaruvchilar yoki ularning rasmiy dilerlari (distribyutorlari) tanlovda ishtirok etishlari mumkin.

## BUYURTMACHI VA LOTLAR HAQIDA MA'LUMOT

**Buyurtmachi nomi:** Favqulodda vaziyatlar vazirligi Seysmoprognostik monitoring Respublika markazi.

**STIR (INN):** 305027887.

**Buyurtmachi manzili**: O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, 100052, Mirzo Ulug'bek tumani, Katta Darxon ko'chasi, 20-uy.

**Takliflarni taqdim etishning oxirgi muddati:** 2021 yil 12 avgust kuni soat 18:00 gacha (Toshkent shahri vaqti bilan).

**Takliflarni taqdim etish manzili:** O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, 100052, Mirzo Ulug'bek tumani, Katta Darxon ko'chasi, 20-uy, Favqulodda vaziyatlar vazirligi Seysmoprognostik monitoring Respublika markazi.

**Rasmiy shaxs:** Markaz boshlig'ining birinchi o'rinbosari Nabiyev Saydullo Nabijon o'g'li

**Aloqa ma'lumotlari:** tel. 99-920-10-02, 71-231-96-80. e-mail: rsmm@fvv.uz

Tender hujjatlari qoidalarini tushuntirish uchun so'rov.

Tender taklifini loyihalashtirish shartlari tender hujjatlarining TIM qismida ko'rsatilgan.

*Xohlagan etkazib beruvchilar tender hujjatlarini maxsus ma'lumot portalida (https://dxarid.uzex.uz) yuklab olishlari yoki Buyurtmachiga yozma ravishda murojaat qilish orqali elektron shaklda olishlari mumkin (xat firma varaqasida bo'lishi kerak va skanerlangan nusxa yuqoridagi elektron pochta manziliga yuborilishi mumkin).*

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети жамоаси кимёгар олим, техника фанлари доктори, профессор

**Шавкат МИРКОМИЛОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.








# АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК ЭЗГУЛИКЛАР

*Кимё фани мўъжизаларга бой. Мактабда кимё фанига алоҳида меҳр қўйиб ўрганганман. Очиғи, бир даврада дўстларим "У бу фанни "сув қилиб ичиб юборган", дейишганида хижолат бўлгандим...*

## ОЛТМИШДАН ЗИЁД ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДАН ТАКЛИФ ОЛДИМ

Ўшанда дўстларим бир оз ошириб юборишганди, албатта. Чунки мен нимага эришган бўлсам, бу мамлакатимизда илм-фан, таълим ривожига кўрсатилаётган эътибор, яратиб берилаётган шарт-шароитлар туфайлидир.

Шу ўринда айрим ютуқларим ҳақида тўхталсам, нокамтарликка йўйманг. 2019 йилда Фарғонада бўлиб ўтган Абу Райҳон Беруний номидаги кимё олимпиадасида 2-ўринни эгалладим. 2020 йилнинг 10 март куни Тошкент шаҳрида ташкил этилган 54-халқаро Менделеев олимпиадаси саралаш босқичи якуний натижаларига кўра, Ўзбекистон терма жамоаси таркибига қабул қилиндим. Туркия давлати ташкилотчилигида ўтказилган 52-жаҳон халқаро кимё олимпиадасида бронза медаль билан тақдирландим.

Натижада ҳали ўрта мактабни тугатмай турибоқ, Жанубий Корея, АҚШ, Россия, Буюк Британия, Туркия, Япония каби давлатларнинг олтмишдан зиёд олий ўқув юртларидан таклиф олдим. Улар қаторида Стэнфорд университети, Калифорния технология университети, Сеул миллий университети каби дунёга машҳур олий ўқув юртлари бор.

Хорижнинг нуфузли олий ўқув юртларида ўқиш бўйича тушган таклифлардан устозларим, ота-онам ҳам хурсанд, албатта.

Лекин эътиборингизни бир жиҳатга қаратмоқчиман. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида Президент университетини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Бу ўқув даргоҳида ўқиш халқаро стандартлар ва миллий анъаналар уйғунлигида олиб борилади. Қолаверса, мазкур университетнинг профессионал кадрлар тайёрловчи етакчи таълим ҳамда илм-фан марказига айланиши кўзда тутилган. Бу эса юртимизда жаҳоннинг "манаман" деган нуфузли университетлари билан рақобатлаша оладиган олий ўқув муассасалари юзага келаётганини кўрсатади.

Ниятим — қайси олий ўқув юртида ўқисам ҳам етук кадр бўлиб етишиб, Ватанимиз илм-фани ривожига ҳисса қўшишдир.

**Фирдавс СОБИРОВ,**
**«Таҳсин» миллий мукофоти соҳиби.**

## ИШТИЁҚДА ҲИКМАТ БОР

*Президентимиз деярли ҳар бир чиқишида ёшларга ўз меҳри ва ишончини билдиради, ён-атрофга теранроқ разм солиб, мушоҳада юритишга чорлайди. Айни чоғда, бугунги шиддатли замон мудроқликни кечирмаслигини, тадбиркорлик ва изланувчанлик билан яшашимиз зарурлигини уқтиради.*

Давлат раҳбари бунинг учун нима қилиш кераклигини ҳам белгилаб бераётир. Ташаббус ва яна бир бор ташаббус кўрсатиш, изланувчанлик билан яшаш, тараққий этган давлатлардан энг замонавий технологияларни олиб келиб, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, чиқараётган маҳсулотларимизнинг сифати ва рақобатдошлигини ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлайди.

Демак, биз шу ишончга муносиб бўлмоғимиз, ишимизни шунга қараб ташкил этмоғимиз даркор. Чунки кўп нарса инсоннинг ўзига боғлиқ. Асосийси, биз бу "олтин қоида"га амал қилиб, бор имкониятимизни ишга солсак, чет эллик ҳамкорлар, сармоядорларни биз эмас, аксинча, улар бизни излаши, шубҳасиз.

Ҳаётимизга, атрофимизда бўлаётган ўзгаришларга чуқурроқ назар солсак, ҳар бир соҳада улкан ютуқларнинг гувоҳи бўламиз. Уларнинг моҳиятини Президентимиз раҳнамолигида инсон учун, унинг бахту саодати учун амалга оширилаётган ислоҳотлар ташкил этади.

Буни ўз ҳаётим мисолида айтсам, бирмунча вақт муқаддам ишсизлигим сабабли "ёшлар дафтари"га киритилган эдим. Қўлимда гулдай ҳунарим бўлатуриб нега ишсиз қолишим керак, деган ўй менга тинчлик бермасди. Сектор мутасаддиларига мурожаат қилдим. Улар кўмаги билан маҳалламиздаги бўш ётган бино, шунингдек, банкдан 30 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Тикув машиналари харид қилиб, тадбиркорлик билан шуғулланишга киришдим. Бугун аҳолидан буюртмалар олиб, бежирим либослар тикяпмиз.

Қисқа муддат ичида беш нафар қизга касб сирларини ҳам ўргатдим. Улардан бири — Муҳаббат Равшанова бугунги кунда мен билан бирга ишламоқда.

Қарангки, кечагина "Қайси ишнинг бошидан тутсам экан?" деган ўй билан юргандим. Ғурурланиб айтаманки, бугун тадбиркорман. Оиламизга нафим тегяпти, бундан барчамиз мамнунмиз.

Ўйлаб қарасам, ҳамма гап интилишда, иштиёқда экан. Бугун турли важлар билан бекор юрган, "Олма пиш — оғзимга туш" қабилида иш тутаётган айрим ёшлар шуни билиб қўйишса, яхши бўларди.

**Махсума НАЗАРОВА,**
**тадбиркор.**
Когон шаҳри

## МУСТАҚИЛЛИК МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА ТУБ БУРИЛИШ ЯСАДИ

*Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг 30 йили давомида нафақат иқтисодий жиҳатдан барқарор, балки ўзига хос адолатли жамият барпо этаётган давлат сифатида дунёга танилди. Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун, деган тамойил халқимиз ҳаётида, турмуш даражаси ва сифатининг изчил ўсиб бораётганида ўзининг яққол ифодасини топмоқда.*

Ўзимдан қиёс, 2005 йилга қадар далада тракторчилик қилдим. Кейин фермер бўлдим. Мақтанишга йўймангу, аммо туманимиз тарихида илк бор ўз брендини яратган фермерман.

Дастлаб туман марказида сутни қайта ишлаш цехини барпо этдик. Кейин Бўзачи маҳалласида истеъмол ёғи ишлаб чиқариш цехи фаолиятини йўлга қўйиш фикри туғилди. Бунинг учун бино керак эди. Иккинчи сектор раҳбари тавсияси ва кўмаги билан қаровсиз ётган иншоот фермер хўжалигимизга ажратилди.

Бинони таъмирдан чиқардик. 62 минг АҚШ доллари миқдоридаги банк кредити эвазига хориждан зарур технологиялар олиб келиб ўрнатдик. Натижада суткасига 13 тонна чигит ёки кунгабоқар уруғини қайта ишлаш қувватига эга цех барпо этилди, "Asl Hayot" бренди остида маҳсулот тайёрлай бошладик.

Айни пайтда 25 гектар ерда пахта етиштиряпмиз. 18 гектар майдондаги ғалладан мўл ҳосил олинди. Ҳосилдан бўшаган майдонларни ҳудуддаги 14 нафар ёшга такрорий экин экиш учун бўлиб бердик.

Бир пайтлар трактор рулида ўтириб, даладан бери келмасдим. Бугун эса бир эмас, иккита кичик корхонаси, Европа давлатларидан келтирилган 200 бошдан зиёд наслли қорамоллари бор мулкдорман.

Буларнинг барчаси мустақиллик туфайли, Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоққа саноатни олиб кириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир. Ахир ота-боболари бир умр ердан бош кўтармай ишласа-да, қора қозони аранг қайнаган бир деҳқоннинг мана шундай мулкдор бўлиши бировнинг тушига кирганми?! Йўқ, албатта. Бугун ўз меҳнати ортидан мулкдор бўлаётган юртдошларимиз сафи ниҳоятда кенг. Мен шуларнинг биттасиман, холос. Ва бундан фахрланаман.

**Воҳид ИКРОМОВ,**
**Қоровулбозор туманидаги «Замир Амон» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари.**



## ВОҲАМИЗ «САЁҲАТЛАР ЧОРРАҲАСИ»ГА АЙЛАНМОҚДА

*Давлатимиз раҳбарининг вилоятимизга ташрифидан сўнг ҳар гал янгидан-янги лойиҳалар, ташаббусларга қўл урилади. Бу, ўз навбатида, биз, бухороликларнинг иштиёқига иштиёқ қўшмоқда, эзгу мақсадлар сари бошлаяпти. Бугун ким билан суҳбатлашманг, ҳамманинг онгида ижобий ўзгаришлар, янги ғоялар туғилмоқда.*

Хусусан, Юртбошимизнинг 2019 йил март ойидаги ташрифи чоғида Бухоро вилоятини "саёҳатлар чорраҳаси"га айлантириш ғояси илгари сурилди.

Шундан сўнг менда Бухоронинг етти пири, уларнинг зиёратгоҳлари тарихини ўз ичига олган "7 PIR" мобиль иловасини яратиш фикри туғилди. Негаки, эндиликда туризмни илғор ахборот технологияларисиз тасаввур этиш мушкул.

Изланишлар самарасиз кетмади. Зиёратчилар ва сайёҳларга мўлжалланган махсус дастур яратдим. У ўзбек, рус, инглиз ва турк тилларида хизмат кўрсатади. Мобиль илова туманлар тарихи, зиёратгоҳлар, музейлар, кутубхона ва меҳмонхоналар ва бошқа хизмат кўрсатиш турлари маълумотлар базасидан иборат.

Бугун Бухорога келган киши сўнгги уч-тўрт йил ичида барпо этилган муҳташам меҳмонхоналар, инфратузилма объектлари, равон йўлларни кўриб, вилоятимизнинг чинакам "саёҳатлар чорраҳаси"га айланаётганига гувоҳ бўлади.

Шу улуғвор ишга биз, ёш тадқиқотчилар ўз изланишларимиз билан ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз. Зеро, мамлакатимизнинг ҳақиқий имижини шакллантиришда инновацион дастурлар бениҳоя катта роль ўйнайди.

**Шавкат БОБОЖОНОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти таянч докторанти.**
Бухоро шаҳри





*Инсон туғилиб ўсган заминини чин қалбдан севиб ардоқлайди. Ҳар биримизнинг Ватан ҳақида юракдан айтар сўзимиз, самимий изҳорларимиз бор. Шу маънода, ҳар гал рингга чиққанимда, ортимда юз минглаб ватандошларим кузатиб турганини, мендан фақат ғалаба кутишаётганини сезиб, ҳис этиб тураман. Бу қўшимча куч, мотивация беради. Шоҳсупага кўтарилганимда ўзбекистонлик эканимдан юрагимда чексиз ғурур туяман.*

## ЯНА ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ БЎЛМОҚЧИМАН




Биласиз, ўзбек боксининг донғи дунёга кетган. Бунга айнан мустақиллик йилларида тамал тоши қўйилди. Боксимиздаги энг яхши анъаналарни давом эттираётган спортчилар қаторида эканимдан бахтиёрман. Чунончи, Иорданияда ўтказилган Осиё ва Океания минтақаси учун йўлланма берувчи лицензион турнирда 52 килограмм вазн тоифасида ғолиб чиқиб, Токио Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритдим.

Олимпия ўйинларида қатнашишнинг ўзи бир бахт бўлса, унда шоҳсупага кўтарилиш, сенга кўз тикиб турган халқинг ва мураббийларинг ишончини оқлаш, икки ҳисса бахтдир.

Беллашувлар осон кечмайди, албатта. Лекин биз, спортчилар Ватан шаънини ҳимоя қилиш, юртимиз байроғини баланд кўтаришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз ва бу бизга куч-ғайрат бағишлаши, шубҳасиз.

Кези келганда айтиш жоизки, юртимиз спортчилари давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпти. Ғалабаларимиз муносиб рағбатлантирилмоқда. Жорий йилда Бухоро шаҳри ҳокимлиги томонидан менга уй ажратилди. Умуман, вилоятимиз спортчиларининг Олимпиадага кўнгилдагидек тайёргарлик кўриши учун 300 миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди. Булар биз, спортчиларнинг манфаатларимиз, эзгу орзуларимиз рўёбига хизмат қилиши билан эътиборга молик.

Умуман, ниятим — нуфузли мусобақада ғолиб чиқиб, "икки карра Олимпиада чемпиони", деган номга сазовор бўлиш.

Негаки, ҳозирги кунга қадар ўзбек боксчилари орасида икки бор Олимпиада ғолиблигини қўлга киритган спортчи йўқ. Таъбир жоиз бўлса, шу кемтиклик ўрнини тўлдириш иштиёқидаман. Бу мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигига муносиб туҳфам бўлади.

**Шаҳобиддин ЗОИРОВ,**
**XXXI ёзги Олимпия ўйинлари ғолиби, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби.**

## БИР ИЛДИЗДАН ЯШНАГАН ЭЛМИЗ

*Барчамиз учун азиз ва муқаддас бўлган Ўзбекистонимизда турли миллат вакилларининг тинч-тотув, аҳил-иноқ истиқомат қилаётгани, ягона Ватан тушунчасининг қалбларда ҳукмрон экани мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигининг муҳим гарови бўлиб хизмат қилмоқда.*

Ўзига ишонган, ҳаёти фаровон халқнинг бағри кенг бўлади. Шу маънода, Бухоро вилоятида ҳам ўнлаб миллат ва элат вакиллари ҳамжиҳатликда аҳил яшаб келяпти. Улар қаторида татар ҳамда бошқирд миллатларига мансуб аҳоли ҳам бор. Масалан, вилоятимизда ҳозир биргина татар миллатига мансуб ўн мингга яқин кишилар истиқомат қилаётир.

Шу ўринда марказ раҳбари сифатида бир жиҳатни алоҳида таъкидламоқчиман. Биз бир илдиздан сув ичган, узоқ йиллар дўст-биродар тутиниб, бир-бирини тушуниши учун таржимоннинг кераги бўлмаган халқлармиз. Қувончу ташвишларимизни ўзаро баҳам кўрамиз, яхши кунларимизда дийдорлашмоқ анъанага айланган.

Мана бир мисол. Яқинда сўлим Лабиҳовуз мажмуасида миллий байрамимиз — "Сабантуй" кенг нишонланди. Марказимиз ташаббуси билан ўтказилган тадбирда турли миллат вакиллари, вилоят ҳокими бошчилигидаги мутасаддилар иштирок этди.

Миллий ўйинлар, қизиқарли саҳна кўринишлари намойиш қилинди. Татар халқининг миллий таом ҳамда пишириқлари байрам дастурхонига ўзгача файз бағишлади. Байрам қатнашчилари миллий урф-одат ва анъаналаримиз Ўзбекистонда кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинаётганига яна бир бор шоҳид бўлдилар.

Дўстлигимиз — энг катта бойлик. Мустақиллигининг қутлуғ 30 ёшини нишонлайдиган Ўзбекистонимизга илоҳим, кўз тегмасин!

**Равиль ЗАБИРОВ,**
**вилоят татар-бошқирд маданият маркази раҳбари.**

*Пандемия айни авж олган дамлар эди. Телефон қўнғироғи жиринглаб қолди. "Бухоро туманидаги "Кунжиқалъа" маҳалла фуқаролар йиғинининг Номитан қишлоғида яшайман", дея ўзини таништирди қўнғироқ қилаётган киши.*

## ОТАХОН ИБРАТИ

Карантин пайти эмасми, моддий ёрдам сўраб мурожаат этувчилар кўп эди. Кўнглимдан "Бу одам ҳам шуларнинг бири бўлса керак", деган ўй ўтди. "Исми шарифим Йўлдош Ашуров, — дея давом этди ҳалиги киши. —"Коронавирусни биргаликда енгамиз" шиори остида ўтказилаётган телемарафонда иштирок этмоқчиман. Нафақа пулимдан ажратиб қўйган эдим..."

Суриштирсам, отахон 84 ёшда экан. "Муассасамизнинг мақсадларидан бири сиз каби табаррук ёшдаги инсонларни қўллаб-қувватлашдан иборат. Шундай экан, ўзингизни қийнаб қўйманг", дея гўшакни қўйдим.

Бироқ Йўлдош ота қайта қўнғироқ қилди. Рўзғори бутлигини, қийин паллада ёрдамга муҳтожларга баҳоли қудрат кўмак бериш ниятида эканини айтди. Хуллас, муассасамиз ҳисоб рақамига пенсия пулидан орттирган бир миллион сўмни ўтказди. Бу пул хайрия маблағлари қаторида уйи йўқ, ногиронлиги бор кишиларни қўллаб-қувватлашга сарфланди.

Шу биргина мисолнинг ўзиёқ жамиятимизда меҳр-оқибат ришталари чуқур илдиз отганини, истиқлол йилларида бу каби эзгу фазилатлар янада мустаҳкам қарор топганини кўрсатади.

Айтмоқчи, пандемия пайтида савоб ишлари билан эҳтиёжманд кишиларни қўллаб-қувватлаган саховатпеша инсонларнинг бир гуруҳига жамғармамизнинг ташаккурномалари берилди. Улар орасида пиру бадавлат отахон Йўлдош Ашуров ҳам бор.

**Раъно СОҲИБОВА,**
**«Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси ҳудудий муассасаси раҳбари.**

## БУНАҚАСИ ИККИ ТУМАН ТАРИХИДА БЎЛГАН ЭМАС

*Олот — мамлакатимизнинг энг чекка туманларидан. Олис ҳудуднинг муаммоси ўзига яраша бўлади. Масалан, тоза ичимлик суви таъминоти масаласи. Яқин-яқинга қадар бу биз учун ушалмас орзу бўлиб келаётганди.*

Бугун орзуларимиз бирин-кетин рўёбга чиқаётир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси боис тоза ичимлик суви билан боғлиқ муаммолар ўз ечимини топяпти.

Кейинги йилларда вилоятимиз аҳолисини марказлашган тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси йигирма фоиз ўсиб, етмиш фоизга етди. Айниқса, Қоракўл ва Олот туманларида амалга оширилаётган ишлар ақлни шоширади. Жаҳон банкининг 139 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредити асосида 230 минг аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳаси бажариляпти.

Куни кеча халқ тилида "двойник", яъни "икки даҳа" номи билан аталадиган асосий сув тозалаш иншоотини модернизация қилиш ишлари якунланди. Унинг кунлик сув етказиб бериш қуввати 4-5 баравар оширилиб, суткасига 50 минг куб метрга етказилди. Ичимлик суви тармоқлари аҳоли хонадонларигача тортилиб, сув ўлчагичлар ўрнатилмоқда. Бунақаси ҳали бу икки туман тарихида бўлган эмас.

Мен биргина ичимлик суви таъминоти мисолида истиқлолнинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни ҳақида тўхталдим. Ваҳоланки, мустақиллик йилларида юртимиз, жумладан, Олот туманида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида соатлаб сўз юритиш мумкин. Бу юмушларнинг барчаси халқимизнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшаши йўлида хизмат қиляпти.

**Саидқули ОҚҚИЕВ,**
**меҳнат фахрийси.**

**Саҳифа материалларини Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 30 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6